

**Вилоятда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли
бандлигини таъминлаш дастури ижроси бўйича январь ойида
амалга оширилган ишлар тўғрисида**

МАЪЛУМОТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025-йил 17-январдаги “2025 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-12-сон Қарори билан вилоятда 2025-йилда жами **345,0 мингта** иш ўринларини яратиш белгиланган.

Шундан, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига **14,7 мингта**, тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига **180,0 мингта**, қишлоқ хўжалиги соҳасида **142,3 мингта**, қурилиш соҳасида **8,0 мингта** иш ўринлари ташкил этиш белгиланган.

Вилоятда **январь-февраль** ойида **41 266 та** янги иш ўринлари яратилиши белгиланган бўлиб, амалда **45 413 та** (**110,0 фоиз**) иш ўринлари яратилди.

Шундан соҳалар кесимида таҳлил қилинганда,

- **инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантиришда** **328 та** янги иш ўринлари яратилиши белгиланган бўлиб, амалда **555 та** янги иш ўринлари (**169,2 фоиз**);

- **тадбиркорликни ривожлантиришда** **23 930 та** янги иш ўринлари яратилиши белгиланган бўлиб, амалда **26 863 та** янги иш ўринлари (**112,3 фоиз**);

- **қишлоқ хўжалигида** **15 538 та** янги иш ўринлари яратилиши белгиланган бўлиб, амалда **15 914 та** янги иш ўринлари (**102,3 фоиз**);

- **қурилишда** **1 450 та** янги иш ўринлари яратилиши белгиланган бўлиб, амалда **2 081 та** янги иш ўринлари (**143,1 фоиз**) яратилди.